

УЎК: 368.212.214

АВТОТРАНСПОРТ СУГУРТАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ МАСАЛАСИ

Рахимов Ойбек Баҳтиёрович

«SQB INSURANCE» сугурта компанияси акциядорлик жамияти

Хоразм вилоят филиали директори

oybekbfa@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиши орқали етказилган заарларни қоплаш, жабрланувчиларга мулкий кўмак бериши муҳим омил саналади.

Калим сўзлар: сугурта, автосугурта, мажбурият, транспорт, ходиса, тўлов, зарар.

ABSTRACT

An important factor is the compensation of the damages caused by the compulsory civil liability insurance of the owners of vehicles, and the provision of property assistance to the victims.

Keywords: insurance, auto insurance, liability, transport, accident, payment, damage.

КИРИШ

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ва ҳукуқий ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида инсонларнинг моддий ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий-ҳукуқий тизимни яратиш, қонунчилик базасини шакллантириш ва уларни амалга оширишнинг изчил механизмини яратиш эътироф этилади. Бунда, айниқса, турли хил сабабларга кўра, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, фуқаролар ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситалари ва мол-мулкига етказилган заарлар ўрнини қоплашнинг янги ҳукуқий институтларини вужудга келтириш ва уларни ижтимоий муносабатлар тизимига кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Сугурта ва сугурта муносабатлари бозор инфратузилмасидаги хизмат кўсатувчи энг муҳим таркибий унсурларидан бири бўлиб, бозор шароитида таваккалчиликка асосланган тадбиркорликни ишончли юритилишида ва уни

ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Суғурта муносабатларида шартномада белгиланган мажбуриятларни бажарилишини таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бунда суғурта шартномаси тарафларининг мажбуриятларини белгилашда тегишли тамойилларга асосланиш ва келгусида шу мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун қўлланиладиган жавобгарликни такомиллаштириш республикамизда суғурта фаолияти субъектларининг хуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қиласди. Жумладан автотранспорт воситаларини суғурта қилиш мамлакат учун ҳам стратегик аҳамият касб этади. Мамлакатдаги корхона ва ташкилотлар автотранспортларини суғурта қилиш орқали кутилиши мумкин бўлган заرارлардан суғуртавий ҳимоя қўрсатилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Республикамиз ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида автотранспорт суғуртасида даъво ишларини кўриб чиқишга қаратилган бир қатор илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда ушбу олиб борилган изланиш натижалари амалиётга кенг жалб қилиниб келинмоқда.

Мазкур масалаларга доир илмий ишларнинг қисман мавжудлигига қарамай, автотранспорт суғуртасида даъво ишларини кўриб чиқиш тушунчаси, автотранспорт суғуртасида даъво ишларини амалга ошириш тартиби, автотранспорт суғуртаси бўйича мажбуриятлар, автотранспорт суғуртасида даъво ишларини кўриб чиқишни амалга ошириш шартлари ва тартиби каби масалаларнинг ўзига хос жиҳатларини илмий ўрганиш, таҳлил қилиш ва муайян фикр-мулоҳазалар бериш эътибордан бироз четда қолмоқда.

Автотранспорт суғуртасида даъво ишларини кўриб чиқиш масаласи умумий суғурта масалалари қаторида бир қатор олимларимиз томонидан у ёки бу даражада ўрганилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Ашрафханов Б.Б., Мирсадыков М.А., Абдурахманов И.Х., Сабиров Х.Р., Джакупов М.Р., Шеннаев Х.М.¹ ва бошқалар томонидан ушбу масаланинг айрим қирралари у ёки бу томонидан очиб берилган.

¹ Мирсадыков М.А., Мирсадыков М.М. Страхование имущества: практическое пособие. – Т., 2014. – С. 251.; Мирсадыков М.А., Ашрафханов Б.Б. Современное состояние и тенденции развития страхового рынка Узбекистана. Страховое дело. – Т., 2001. №11. – С. 201.; Мирсадыков М.А., Страховые риски: Словарь-справочник. Ассоциация профессиональных участников страхового рынка Узбекистана. – Т., 2010. – С. 108.; Абдурахманов И.Х. Ўзбекистонда жавобгарликни суғурталаш механизмини такомиллаштириш. Иктисад фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияга автореферат. – Т., 2010. – 20 б.; Сабиров Х. Суғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: Мехнат, 1998. – 160 б.; Джакупов М. Страховой рынок Узбекистана: механизм регулирования. Рынок, деньги и кредит, – Т., 2003. – №5. – С. 38-40.; Шеннаев Х.М., Баймуратов Т.М. Суғурта иши. – Т.: “Turon-Iqbol”, 2006. – 276 б.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Федорова Т.А., Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф., Гвозденко А.А., Турбина К.Е., Скамай Л.Г., Мазурина Т.Ю., Грищенко Н.Б. ва бошқалар¹ томонидан эса ушбу масала қисман тадқиқ этилган. Бундан қўриниб турибдики, тадқиқот мавзусининг ўрганилиши, унинг назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

НАТИЖАЛАР

Агар биз 2023 йил 1-ярим йиллик натижаларига қарайдиган бўлсак Ўзбекистон Республикасида суғурта мукофотлари умумий хисобда 41 та суғурта компаниялари томонидан йиғилган бўлиб, улардан 8 та суғурта компанияси ҳаётни суғурталаш соҳасида, 33 та суғурта компанияси эса умумий суғурталаш соҳасида фаолият юритади.

2023 йил 1-ярим йиллик натижалари бўйича суғурта хизмати турларидан умумий суғурта бўйича суғурта мукофотлари сезиларли даражада қўпайди ва суғурта компаниялари томонидан 3,8 трлн. сўм суғурта мукофоти йиғилди. Хусусан, уларнинг умумий ҳажми 36,3% га ўсган.

Суғурта мукофотларидан ҳам кўпроқ ўсиш суғурта мажбуриятлари ҳажмида кузатилади. 2023 йил 1-ярим йиллик натижаларига қўра, суғурта компаниялари томонидан қабул қилинган суғурта мажбуриятлари 34%га кўпайиб, 1 784,8 трлн. сўмга етган.

Худудлар кесимида йиғилган суғурта мукофотлари бўйича Тошкент шахри, Фарғона вилояти ва Хоразм вилояти етакчилик қилиб келмокда. Ушбу ҳудудлар мос равишда суғурта бозорининг Тошкент шахри 70,6% улушни эгаллаган ва 2 665,8 млрд. сўм суғурта мукофоти таъминланган, Фарғона вилояти 3,5% улушни эгаллаган ва 134,0 млрд. сўм суғурта мукофоти таъминланган ва Хоразм вилояти 2,8% улушни эгаллаган ва 105,2 млрд. сўм суғурта мукофоти таъминланган. Энг кам улушлар Жizzах ва Сирдарё вилоятларида бўлиб, мос равишда Жizzах вилояти 1,3% улушни эгаллаган ва 48,3 млрд. сўм суғурта мукофоти, Сирдарё вилояти 1,1% улушни эгаллаган ва 39,8 млрд. сўм суғурта мукофоти таъминланган.

Суғурта мукофотлари ва суғурта мажбуриятлари ҳажмларидан фарқли равишда, суғурта компаниялари томонидан 2023 йил 1-ярим йилликда тўлаб берилган суғурта қопламалари 23,4% га камайиб 883,0 млрд. сўмни ташкил

¹ Федорова Т.А. Основы страховой деятельности. Учебник. – М.: "РСК", 2001. – С. 124.; Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2002. – С. 216.; Гвозденко А.А. Основы страхования: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. – С. 311.; Турбина К.Е. Теория и практика страхования. – М.: изд. Анкил, 2003. – С. 178.; Скамай Л.Г., Мазурина Т.Ю. Страховое дело: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2004. – С. 248.; Грищенко Н.Б. Основы страховой деятельности: Учеб. пособие. – М.: Финансы и статистика, 2004. – С. 316.

қилди. Қопламалар таркибидаги умумий сұғурта ҳажмининг ортгандығы, бир вақтнинг үзіда хәётни сұғурта қилиш сохаси бүйічә қопламалар камайғанлиғы күзатылды.

МУХОКАМА

Сұғурта иқтисодий категория сифатида манбаатдор ташкилоттар ва фуқаролар бадаллари ҳисобидан ташкил топған, махсус ташкилот бошқарувида бўлган пул фондини вужудга келтириш ва тақсимлаш шакли бўлиб, унинг асосий тайинланиш мақсади сұғурта қилдирувчиларнинг мулкий ёки бошқача талофатлари ва зиёнлари ўрнини қоплашдан иборат. Бошқача айтганда, сұғурта бир шахсда вужудга келган зиённи кўп шахслар зиммасига юклаш бўлиб, бу шахслар учун заарни қоплаш катта мулкий йўқотиш, талофати бўлиб кўрилмайди. Жабрланган шахснинг зиёнлари эса тез ва етарли даражада тўлик қопланади. Шу билан бирга, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини сұғурталашнинг мажбурий амалга оширилиши ҳам фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва вужудга келиши мумкин бўлган транспорт ҳодисалари хавфи оқибатларини камайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиши секторини, хусусан, сұғурта хизматларини кўрсатиши ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши бугунги кунда сұғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий турларини ривожлантиришни талаб этади. Сұғурта компаниялари томонидан асосий махсулот сифатида сотилаётган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш тури транспорт воситалари билан етказилган заарларни қоплашда, жабрланувчиларга мулкий кўмак бериш орқали уларнинг ҳуқуқлари ва манбаатлари ҳимоясининг таъминланғанлигини кафолатлашда муҳим омил саналади. Қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини сұғурталаш муносабатларини тартибга солишда ва уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмини белгилашда асосий вазифани бажармокда.

Амалиётда сұғуртанинг мазкур тури энг кўп тузилиши ва сұғурта компаниялари фаолияти учун энг аҳамиятли эканлиги билан ажralиб туради. Қолаверса, қонун ҳужжатлари асосида бу шартноманинг мажбурий тартибда тузилиши доимий равишда транспорт воситалари эгалари сонининг ошиб бориши мазкур сұғурта шартномаси ва у билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик аҳамиятининг ортиб боришини таъминлайди.

ХУЛОСА

Инсонларга ёрдам қўлинни чўзиш, оғирини енгил қилиш, моддий ва маънавий кўмак бериш халқимизнинг азалий қадриятларидан саналади. Қадим замонлардан буён одамлар яқинлари ва юртдошларига ёрдам бериш мақсадида

турли чора-тадбирларни ўйлаб топишган. Республикаиздаги сұғурта компаниялари ҳам бу анъанадан келиб чиқиб турли оғат ва ҳодисаларда жабр күрган фуқароларга моддий күмак күрсатишиңи ўз олдига мақсад қилиб қўйишишган. Натижада автотранспорт сұғуртаси бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда ва сұғурта қопламалари ўз вафтида тўлаб берилмоқда. Республикаиз бўйича сұғурта хизматлари күрсатиши қамрови йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бораёганини кўришимиз мумкин. Бу эса аҳолимизнинг сұғурта маданияти юксалаётгани, сұғурта компанияларининг хизматлари сифати яхшиланиб бораётганидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Китоблар

1. Мирсадыков М.А., Страховые риски: Словарь-справочник. Ассоциация профессиональных участников страхового рынка Узбекистана. – Т., 2010. – С. 108.
2. Собиров X. Сұғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: Мехнат, 1998. – 160 б.
3. Джакупов М. Страховой рынок Узбекистана: механизм регулирования. Рынок, деньги и кредит, – Т., 2003. – №5. – С. 38-40.
4. Федорова Т.А. Основы страховой деятельности. Учебник. – М.: "РСК", 2001. – С. 124.
5. Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2002. – С. 216.
6. Гвозденко А.А. Основы страхования: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. – С. 311.
7. Турбина К.Е. Теория и практика страхования. – М.: изд. Анкил, 2003. – С. 178.
8. Грищенко Н.Б. Основы страховой деятельности: Учеб. пособие. – М.: Финансы и статистика, 2004. – С. 316.

Вебсайтлар

9. www.imda.uz Молия вазирлиги ҳузуридаги сұғурта бозорини ривожлантириш агентлиги сайти.
10. www.tkj.uz Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси сайти.

Иккى ва ундан ортиқ муаллифлар

11. Мирсадыков М.А., Мирсадыков М.М. Страхование имущества: практическое пособие. – Т., 2014. – С. 251.
12. Мирсадыков М.А., Ашрафханов Б.Б. Современное состояние и тенденции развития страхового рынка Узбекистана. Страховое дело. – Т., 2001. №11. – С. 201.
13. Шеннаев X.М., Баймуратов Т.М. Сұғурта иши. – Т.: "Turon-Iqbol", 2006. – 276 б.
14. Скамай Л.Г., Мазурина Т.Ю. Страховое дело: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2004. – С. 248.